

Хорижлик фуқарога тўлов-контракт
асосида таълим бериш тўғрисида
№ _____
КОНТРАКТ (ТЎЛОВ ШАРТНОМАСИ)

Тошкент «___» _____ 2024-йил
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети (бундан кейин
“**Университет**” деб номланади) номидан
ректор, Устав асосида иш олиб борувчи
И.Маджидов ва

(давлат фуқароси)
(Ф.И.Ш),
бундан кейин “**Талаба**” деб юритилувчи ва
биргаликда “**Томонлар**” деб номланувчи
ушбу **Контракт (Тўлов-контракт
шартнома)ни** қуйидагилар ҳақида
туздилар:

1. КОНТРАКТ (ТЎЛОВ ШАРТНОМАСИ) ПРЕДМЕТИ

1.1. Хорижий давлат фуқароси бўлган
талабалар (хорижий паспортига мувофиқ)
Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида
белгиланган тартибда суҳбат асосида
ўқишга қабул қилинади.

1.2. **Университет**, ушбу **Контракт**
шартларига мувофиқ талабага 2024-2025
ўқув йилида бакалавр босқичининг 1-
йилида “**61010200 – Спорт фаолияти:
тхэквондо**” йўналиши бўйича Давлат Олий
таълим стандартига мувофиқ Ўзбекистон
Республикасида ўрнатилган пулли
Контракт (ТЎЛОВ-ШАРТНОМАСИ)
асосида таълим беришни ўз зиммасига
олади, **Талаба** эса ушбу таълим хизмати
учун тўловни ўз вақтида амалга ошириш
мажбуриятини олади.

1.3. Бакалавр босқичида ўқиш муддати
4 йил.

1.4. Давлат аттестацияси натижалари
бўйича бакалавр таълим дастурини
тугатгандан сўнг, **Талабага** йўналиши
бўйича Ўзбекистон Республикасида қабул
қилинган намунадаги давлат дипломи ва
унинг иловаси берилади.

2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. **Университет** қуйидаги ҳуқуқларга
эга:

CONTRACT (TUITION FEE CONTRACT)
№ _____
education of a foreign citizen
on a paid contract basis

Tashkent city «___» _____ 2024
National University of Uzbekistan named
after Mirzo Ulugbek, represented by the rector
I.Madjidov, acting on the basis of the Charter,
hereinafter referred to as the “**University**”, and a
foreign citizen

(name
of the State) _____
(full name), hereinafter referred to as the
“**Student**”, and collectively “**the Parties**” have
entered into this **Contract (Tuition fee
contract)** as follows.

1. SUBJECT OF THE CONTRACT (TUITION FEE CONTRACT)

1.1. Students who are citizens of a foreign
country (in accordance with their foreign
passport) are admitted to study on the basis of an
interview in accordance with the procedure
established by the legislation of the Republic of
Uzbekistan.

1.2. In accordance with the terms of this
Agreement, the University undertakes to
provide training of the student in the **first** year of
bachelor's degree in 2024-2025 academic year in
the direction of «**61010200 - Sports activities:
taekwondo**» on the basis of a paid **contract
(PAYMENT AGREEMENT)**, in accordance
with the State Standard of Higher Education
established in the Republic of Uzbekistan, and
the **Student** undertakes to timely pay for this
educational service.

1.3. The duration of a bachelor's degree is 4
years.

1.4. Upon completion of the bachelor's
degree program, according to the results of state
attestation procedures, the **student** is awarded
with the academic degree “bachelor”, a state-
issued diploma of the Republic of Uzbekistan
with transcript.

2. RIGHTS AND OBLIGATIONS OF THE PARTIES

2.1. **The University** has the right to:

2.1.1. **Талабадан Контракт** (тўлов шартномаси) мажбуриятларини бажаришни, шу жумладан университетнинг ички (локал) ҳужжатларида белгиланган қоидаларга қатъий риоя қилишни, ўқув машғулотларига мунтазам қатнашишни, **Контракт** (тўлов шартномаси) бўйича тўловларни ўз вақтида тўлашни талаб қилиш;

2.1.2. **Талабанинг** шахсий маълумотларидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва **Университетнинг** ички (локал) ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиш;

2.1.3. **Талабага** Ўзбекистонга кириш, республика ҳудудидан чиқиш ва Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб ҳаракатланиши, шунингдек, вақтинча яшаш жойида рўйхатдан ўтиш учун белгиланган тартибда кириш-чиқиш визаларини олишда ёрдам кўрсатиш.

2.1.4. **Талабани** академик қарздорлик сабабли тегишли (тугалланмаган) ўқув йилида курсда қолдириш.

2.1.5. **Талабага** нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда таъсир чораларини қўллаш.

2.2. **Университет** қуйидагиларга мажбур:

2.2.1. **15 октябрдан** кечиктирмай, **Талабани** Контракти (тўлов шартномаси)да кўрсатилган пул миқдорини тўлагандан сўнг уни талабалар сафига қабул қилиш;

2.2.2. **Контракт** (тўлов шартномаси)га мувофиқ сифатли таълим хизматларини кўрсатиш;

2.2.3. Талабани ўқитиш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш;

2.2.4. **Талабага** кутубхоналар, ўқув заллари, спорт ва маданий мажмуалардан фойдаланиш, шунингдек кафедралар, талабалар илмий жамиятлари ва тўғарақларининг тадқиқот ишларида қатнашиш ҳуқуқини беришини таъминлаш;

2.2.5. **Талаба** ўқишини муваффақиятли битирган тақдирда белгиланган тартибда унга диплом бериш.

2.3. **Талаба** қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.1.1. Require the **student** to fulfill obligations under the Contract, including strict compliance with the rules established by the internal (local) documents of the University, regular participation in training sessions, timely payment of tuition fees under the **Contract**;

2.1.2. Use **the student's** personal data in accordance with the legislation of the Republic of Uzbekistan and internal (local) acts of the University;

2.1.3. Provide assistance in obtaining entry and exit visas in accordance with the established procedure to study in Uzbekistan, leave the Republic and move around the territory of Uzbekistan, as well as to register at the place of temporary residence;

2.1.4. Leave **the student** in the corresponding (incomplete) academic year due to academic failure;

2.1.5. Apply prescribed measures to **the student** in accordance with legislation.

2.2. **The University** is obliged:

2.2.1. To enroll **the applicant** after paying the amount of money specified in the Contract (tuition fee contract) not later than **October 15**;

2.2.2. To provide appropriate education services in accordance **with** the Contract (tuition fee contract);

2.2.3. To provide the necessary conditions for student's education;

2.2.4. To provide **the student** with the opportunities to use libraries, reading rooms, sports and cultural complexes, as well as to participate in research work of departments, student scientific societies and circles;

2.2.5. To give a diploma in accordance with the established procedure in case of successful completion of studies.

2.3. **The student** has the right to:

2.3.1. Белгиланган стандартлар ва ўқув режаларига мувофиқ таълим олиш, шунингдек, таълим масалалари бўйича **Университетдан** тегишли маълумот олиш;

2.3.2. **Университетнинг ички** (локал) ҳужжатларида белгиланган тартибда, ўқув дастурини ишлаб чиқиш учун зарур бўлган **Университет** мулкидан оқилона фойдаланиш;

2.3.3. **Университетнинг ички** (локал) ҳужжатларида белгиланган тартибда **Университет** томонидан ўтказиладиган ижтимоий, маданий, соғломлаштириш ва бошқа тадбирларда қатнашиш;

2.3.4. **Университетдан** ўз билимлари, кўникмалари ва малакаларини баҳолаш, шунингдек, бу баҳолаш мезонлари тўғрисида тўлиқ ва ишончли маълумотларни олиш.

2.4. **Талабанинг** мажбуриятлари:

2.4.1. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, **Университет ички** (локал) ҳужжатлари: Уставига, Ички тартиб ва Одоб-ахлоқ қоидаларига, **Талабалар** турар жойи қоидаларига, шунингдек, **Университетнинг** бошқа меъёрий ҳужжатларига риоя қилиш, шунингдек, миллий қадриятлар ва урф-одатларни ҳурмат қилиш;

2.4.2. **Контракт (Тўлов-шартнома)нинг** 3-бўлимида кўрсатилган миқдорда ва тартибда ўқув тўловларини ўз вақтида тўлаш, шунингдек, бу тўловни тасдиқловчи тўлов ҳужжатларини тақдим этиш;

2.4.3. Таълим дастурини виждонан ўзлаштириши, ўқув дастурида кўзда тутилган машғулотларда қатнашиши, дарсларга мустақил тайёргарлик кўриши, таълим дастури доирасида ўқитувчилар томонидан берилган топшириқларни бажариши;

2.4.4. **Университетнинг** бошқа талабалари ва ходимларининг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, бошқа талабаларга таълим олишига тўсқинлик қилмаслик;

2.4.5. **Университет** мулкини асраб-авайлаш, **Университетга** етказилган зарарни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ қоплаш;

2.3.1. Get education in accordance with established standards and curricula, as well as information from **the University** on training issues;

2.3.2. Use **the University** property necessary for the development of the educational program in accordance with the procedure established by inner (local) acts of **the University**;

2.3.3. Take part in social, cultural, health and other events organized by **the University** in accordance with the procedure established by inner (local) acts of **the University**;

2.3.4. Obtain complete and reliable information about the assessment of his/her knowledge, skills, abilities and competencies, as well as the criteria for this assessment.

2.4. **The student is obliged to:**

2.4.1. Comply with the legislation of the Republic of Uzbekistan, the **University** charter, local regulations and ethical rules of the university, rules of the **student** residence house, as well as other internal (local) acts of the university; respect local customs and traditions;

2.4.2. Pay tuition fees in a timely manner, in the amount specified in section 3 of **the Contract (tuition fee contract)**, as well as providing payment documents confirming this payment;

2.4.3. Conscientiously master the educational program, attend classes provided by the curriculum, carry out self-study for classes, perform tasks given by teachers within the educational program;

2.4.4. Respect the honor and dignity of other students and **employees** of **the University**, do not create obstacles to other **students'** education;

2.4.5. Take care of the property of **the University**, compensate for the damage caused to the University, in accordance with the legislation of the Republic of Uzbekistan;

2.4.6. Ўз вақтида, яъни вақтинча яшаш жойида виза ва рўйхатга олиш муддати тугашидан камида икки ҳафта олдин, **Университетга** визанинг амал қилиш муддатини узайтириш ва вақтинча яшаш жойида рўйхатдан ўтиш учун мурожаат қилиш; Агар **Талаба** белгиланган муддатдан кеч мурожаат қилса, харажатларни талабанинг ўзи қоплайди ва унга нисбатан тегишли жарима қўлланилиши мумкин.

2.4.7. Виза ва рўйхатга олиш масалалари:

- визанинг муддатини узайтириш учун Университетнинг Хорижий талабар билан ишлаш бўлими ходимида камида икки ҳафта олдин мурожаат қилиш керак;

- талаба Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келган куни зудлик билан Университетнинг Хорижий талабар билан ишлаш бўлими ходимида вақтинча рўйхатдан ўтиш учун паспортни тақдим этиши лозим;

- талаба виза ва вақтинча рўйхатдан ўтиш учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш керак;

Агар Талаба белгиланган муддатдан кеч мурожаат қилса барча жарималар талаба томонидан қопланади.

3. ТЎЛОВ МИҚДОРЛАРИ, МУДДАТЛАРИ ВА ТАРТИБИ

3.1. Хорижий давлат фуқаросининг тўлов-контракт асосида тегишли таълим йўналиши ва мутахассислиги учун ўқитиш қиймати университетнинг молиявий мустақиллиги асосида Ўзбекистон Республикаси фуқароларига нисбатан белгиланган базавий тўлов-контракт миқдоридан кам бўлмаган миқдорда университет Кенгаши томонидан тасдиқланган миқдорларда мустақил белгиланади.

3.2. Бир ўқув йили учун **Талабани ўқитиш қиймати 1200 (бир минг икки юз) АҚШ доллари.**

3.3. Ўқиш учун тўлов ўқув йилининг қуйидаги даврларида амалга оширилади:

- белгиланган тўлов миқдорининг 50 фоизи - талабалар сафига тавсия этилган абитуриентлар учун 30 сентябргача,

2.4.6. Apply for visa at least two weeks before the expiration of the visa to **the University** and registration at the place of temporary residence in order to extend the validity of the visa. If the Student applies to the **University** later than the specified deadlines, the **Student** is obliged to pay the costs of submitting documents and there can be appropriate penalty for the delay.

2.4.7. Visa and registration issues:

- to extend the validity of the visa it is necessary to apply to the employee of the department for work with foreign students of the University no later than two weeks before the expiry date of the visa;

- on the day of entry into the territory of the Republic of Uzbekistan, the student must immediately present his/her passport to an employee of the department for work with foreign students of the University for registration of temporary registration on the territory of Uzbekistan;

- payment for student visa and temporary registration must be made in time;

If a Student applies late, all fines will be paid by the Student.

3. THE COST, TIMING AND PAYMENT PROCEDURE

3.1. Tuition fee for a citizen of a foreign country for the relevant field of study and specialty is determined independently in amounts approved by the University Council based on the financial independence of the university, not less than the amount of the basic tuition fee established for citizens of the Republic of Uzbekistan.

3.2. The cost of **the student's** education for one academic year is **1200 (one thousand two hundred)** US dollars, other currency.

3.3. Tuition is paid in the following terms of the academic year:

50 % of the established payment - until September 30 for applicants recommended for

шунингдек иккинчи курс ва ундан юқори талабалар учун 15 октябрғача;

- талаба қолган 50% контракт тўловини 1-февралига амалга ошириши керак.

3.4. Ўқиш учун тўлов Университет ҳисоб-рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.5. Шартномада тўловнинг миқдори чет эл валютаси (АҚШ долларарида)да белгиланади. Тўловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан Ўзбекистон сўмига нисбатан АҚШ долларининг валюта айирбошлаш курси асосида тўловни амалга ошириладиган санада ҳисоблаб тўланади.

4. КОНТРАКТ (ТЎЛОВ ШАРТНОМАСИ) НИ БЕКОР ҚИЛИШ ВА МАХСУС ШАРТЛАР

4.1. Университет Талабанинг ҳаётини ва унинг шахсий мулкани суғурта қилиш харажатларини ўз зиммасига олмайди.

4.2. Университет биринчи навбатда чин етим, имконияти чекланган ва бошқа имтиёзларга эга талабаларни турар жой билан таъминлайди.

Таътил даврида Университет томонидан Талабага ётоқхона тақдим этилмайди.

4.3. Университет Талабанинг Ўзбекистон Республикасидаги қариндошлари ва дўстларини таклиф қилиш, кириш визаларини бериш мажбуриятини ўз зиммасига олмайди ва уларни турар-жой билан таъминламайди.

4.4. Агар Талаба Ўзбекистонда вафот этса, Университет унинг жасади ва шахсий нарсаларини ватанига юбориш харажатларини ўз зиммасига олмайди.

4.5. Ушбу **Контракт** қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:

- **Томонларнинг** ўзаро келишуви бўйича;

- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида, **Университетнинг** ички (локал) ҳужжатларида белгиланган тартибда **Талабани** талабалар сафидан чиқарилганда;

the ranks of students, as well as until October 15 for second-and higher-year students;

- the student must pay the remaining 50% of the contract fee by 1 February.

3.4. Tuition fees are paid through a bank transfer to **the University** current account.

3.5 The amount of payment is determined in the contract in foreign currency (US dollars). When making the payment, the Central Bank of the Republic of Uzbekistan shall calculate the amount based on the exchange rate of the US dollar against the Uzbek sum on the date of payment.

4. TERMINATION OF THE CONTRACT (TUITION FEE CONTRACT) AND SPECIAL CONDITIONS

4.1. The **University** does not bear the cost of insuring the **Student's** life or personal property

4.2. The University does not undertake to provide accommodation to all students. Only orphans, students with disabilities and other privileged students are provided with dormitory.

The University does not provide the Student with a hostel during the holiday period.

4.3. The University does not undertake the obligation to invite or issue entry visas to the Student's relatives and friends in the Republic of Uzbekistan, and does not provide them with housing.

4.4. In the event of **the student's** death in Uzbekistan, the **University** does not bear the cost of sending his/her body and personal belongings to their home country.

4.5. This **Contract** may be terminated prematurely in the following cases:

by mutual consent of the parties;

Student's deductions in accordance with the procedure established by the legislation of the Republic of Uzbekistan, local acts of **the University**;

Non-fulfillment of Contract (**tuition fee contract**) terms by **the student**;

- **Талаба Контракт (Тўлов шартнома)** шартларига риоя қилмаганда, контракт тўловни ўз вақтида амалга оширмаганда ;

- **Талабанинг** ташаббуси билан;

- **Талаба** вафот этган тақдирда;

- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва **Университетнинг** локал ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

4.6. Ушбу **Контракт** бекор қилинганда, тўланган тўлов қайтарилмайди, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

5. БОШҚА ШАРТЛАР

5.1. Ушбу **Контракт (Тўлов шартнома)**га ўзгартириш ёки қўшимчалар фақат қўшимча битимлар тузиш, шу жумладан электрон шаклда қўшимча битимлар тузиш орқали амалга оширилади. Қўшимча битимлар иккала **Томон** тарафидан имзоланади ва ушбу **Контракт (Тўлов шартнома)**нинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5.2. Мазкур **Контракт (Тўлов шартнома)** билан тартибга солинмаган бошқа масалалар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Мазкур **Контракт (Тўлов шартнома)** ижроси бўйича иккала томон масъулдир.

6.2. **Томонлар** Ушбу **Контракт (Тўлов шартнома)** шартнома шартларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

6.3. **Талаба** томонидан ўз вақтида тўловлар амалга оширилмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда тегишли суд орқали ундирилиши мумкин.

6.4. Ушбу **Контракт (Тўлов шартнома)**нинг бажарилиши бўйича вужудга келган келишмовчилик **Томонлар** ўртасида келишиш ва талабнома юбориш йўли билан ҳал қилинади.

When student **debt defaults** on loan payments;

with the initiative of **the student**;

in the event of **the student's** death;

in other cases stipulated by the legislation of the Republic of Uzbekistan and local documents of the University.

4.6. Upon termination of **the Contract**, the payment made is not refundable, except in cases stipulated by the legislation of the Republic of Uzbekistan.

5. OTHER CONDITIONS

5.1. Changes or amendments to **the Contract (tuition fee contract)** terms are only made by entering into additional agreements. Additional agreements are signed by both parties and are an integral part of **the Contract (tuition fee contract)** terms. Additional agreements can be concluded by exchanging letters, including electronic forms.

5.2. Liability of the Parties and other issues not regulated by **the Contract (tuition fee contract)** terms are regulated by the legislation of the Republic of Uzbekistan.

6. LIABILITY OF PARTIES

6.1. Both parties are responsible for the execution of this **Contract (tuition fee contract)**.

6.2. The parties to this **Contract (tuition fee contract)** shall be held liable in accordance with the procedure established by the legislation of the Republic of Uzbekistan if they do not fulfill the requirements of the **Contract** or do not fulfill them properly.

6.3. Failure to make timely payments by the **student** can be charged through the appropriate court in accordance with the procedure established by the legislation of the Republic of Uzbekistan.

6.4. Disagreements and disputes arising from the execution of this **Contract (tuition fee contract)** shall be resolved by agreement between the Parties and by sending a request.

6.5. Келишиш йўли билан ҳал бўлмаган низолар тегишли фуқаролик суди орқали ҳал этилади.

7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРДАГИ ҲАРАКАТИ

7.1. **Томонлар** ушбу **Контракт (Тўлов шартнома)** форс-мажор ҳолатлари натижасида юзага келган бўлса мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликни ўз зиммаларига олмайдилар.

Бундай ҳолда, **Контракт** бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши форс-мажор ҳолатлари якунлангандан кейин бажарилади.

7.2. **Контракт (Тўлов шартнома)** бўйича ўз мажбуриятларини бажара олмайдиган **Томон**, бошқа **Томонга** форс-мажор ҳолатларининг бошланиши ва тугаши тўғрисида дарҳол ёзма равишда 10 кундан кечиктирмай хабар бериши керак.

8. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Ушбу **Контракт (Тўлов шартнома)** имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

8.2. Ушбу **Контракт (Тўлов шартнома)** икки нусхада, ҳар бири ўзбек ва инглиз тилларида тузилган, барча матнлар ҳақиқий ва бир хил кучга эга.

Ушбу **Контракт (Тўлов шартнома)** қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, **Томонлар** ўзбек тилидаги матнга таянадилар.

6.5. Disputes that cannot be resolved by agreement shall be resolved through the appropriate civil court.

7. FORCE MAJEURE CONDITIONS

7.1. **The parties** do not assume responsibility for the non-fulfillment of the obligations of this **Contract (tuition fee contract)** if it occurred as a result of force majeure.

In this case, the performance of obligations under **the Contract** shall be performed after the end of force majeure.

7.2. The party that cannot fulfill its obligations under **the Contract (tuition fee contract)** must immediately notify the other party about the beginning and end of force majeure circumstances in written form no later than 10 days after its beginning.

8. FINAL TERMS

8.1. **The Contract (tuition fee contract)** comes into force from the date of signing.

8.2. **The Contract (tuition fee contract)** is signed in two copies, each in Uzbek and English, all in authentic texts with the same legal validity.

In case of any misinterpretations of the provisions of **the Contract (tuition fee contract)**, the parties will be guided by the text in Uzbek language.

Национальный университет Узбекистана имени
Мирзо Улугбека
Адрес: г.Ташкент, Алмазарский район,
Вузгородок, улица Университет, 4-дом
Телефон: (71) 246-02-24
ИНН - 200845944
Л/с: 400110860262807094100350003
Каз/с: Р/с: 23402000300100001010 (Сум)
РКЦ ЦБ Республики Узбекистан, г.Ташкент
МФО: 00014, ИНН - 201122919
Валютный счёт:
Р/с: 23402840900100001011 (Доллар США)
Центральный банк Республики Узбекистан
Адрес: Истиклол 29, Ташкент, Узбекистан
Л/с: 400910840262807094100350001 (Доллар
США) (НУУз)
SWIFT Code: CBUZUZ22

(таълим муассасаси номидан ишончнома асосида имзо ва
муҳр/
signature and seal on behalf of the educational institution on
the basis of attorney)

(таълим муассасаси юристининг имзоси/
signature of the lawyer of the university)

Student

Citizen of _____

Address _____

Passport: _____,

Date and place of issue: _____

Signature